


Фикҳ дарслари (116-дарс). Махси ва тахтакачга масҳ тортиш ва синдирувчилари (биринчи мақола)



13:00 / 24.12.2020 5754

وَهُوَ - هُضْرَفَو. لِسُغْلَا هِيَ لَعْنَمَ نَوْدِثِ دُخْمَلِ زِيَّاجِ نِيْفُخْلَا يَلَعُ حُسْمَلَا
قِاسَلَا لَفَسَا يِفِ دِيْلَا عِبَا صَاةً اَلْثَرَا دُقْم - طُوْطُخ

رَفَسَلَا وَبُنْ كُمِي وَبَعُ كَلَا رُتْسَيَا اَمَلْ كَو نِي قَوْمُ رُجْلَا يَلَعُ زُوْحَيَا

رِيْبَجْلَا يِفِ اَلْ يَثَدَخْلَا تَقُوْمَاتِ رُهُطَا يَلَعُ نِي سُوْبَلَمَا هُنُوْكَ طُرْشَو
عَرَبُ نَعَا اَلْ اَهْطُوْ قُسَبَا سَابَا اَلْو

هَلِيْلَو مُوِي مِي قُمَلَلْ هَتْدُمَو. يِهَا اَلْ اَلْ جِرْلَا رِيْعُ رَتَا سَحْسُمِي اَلْو
يَثَدَخْلَا تَقُوْمَاتِ نَمُةً اَلْثَرَا رَفَا سُمَلَلَو

Махсига масҳ тортиш кичик бетаҳорат кишига жоиздир. Фусл вожиб бўлган одамга эмас. Унинг фарзи болдирдан пастга қўлнинг уч бармоғи миқдорида чизиқ тортишдир. Уни икки чориққа ва тўпиқни тўсувчи ҳамда сафар қилишга ярайдиган нарсага тортиш жоиздир. Бунда бетаҳоратлик етишидан аввал иккиси тўлиқ таҳорат ила кийилган бўлиши шарт.

Бу шарт тахтакачга қўйилмайди. Тахтакач тушиб кетса, ҳечқиси йўқ. Аммо тузалиб тушса, бундан мустасно. Оёқни тўсиб турувчи нарсадан бошқа фақат тахтакачгагина масҳ тортилади. Масҳнинг муддати бетаҳоратлик етганидан бошлаб муқимга бир кечаю бир кундуз. Мусофирга уч кечаю уч кундуз.

Махсига тортилган масҳнинг синдирувчилари

قاسل لىل بىق غل رت ك ا ج و ر ح و ، ء ء د م ل ا ي ص م و ، ء ء و ض و ل ا ص ق ا ن ء ء و ض ق ا ن و
ء ء م و ذ ب ي ق ر ح ء ء ن م ي و . ط ق ف ء ء ي ل ج ر ل س غ ب ج ي ن ي ر م ا ل ا ن ي د ء ء د ح ا ذ ع ب و
ن ي ف خ ا ل ف خ ق و ر ح ء ء م ج ي و . ا ه ر ع ص ا ل ج ر ل ا ع ب ا ص ا ل ت ا ل ت ر ذ ق .

ا م ء ء د ع ب و . ر ي ح ا ل ا ر ب ت ع ي ء ء ل ي ل و م و ي ل ب ق ه س ك ع و م ي ق م ل ا ر ف س ي ف و
ع ز ن ي .

Унинг синдирувчиси:

1. Таҳоратни синдирувчи нарсалар;
2. Муддатнинг чиқиши;
3. Товоннинг кўпи қўнжигача чиқишидир. Икки(иккинчи ва учинчи) нарсадан кейин фақат икки оёқни ювиш вожиб бўлади.

Масҳни пойабзалдан оёқнинг кичкина бармоқларидан учтаси кўринадиган миқдордаги йиртиқ ман қилади. Бир пой махсидаги йиртиқлар жамланади, икки пойиники эмас.

Бир кеча-кундуздан аввал муқим сафар қилганда ёки аксинча (мусофир муқим) бўлганда, охиргиси эътиборга олинади. Бу икки ҳолатдан кейин ечилади.

Махси – маълум ва машҳур оёқ кийими. У оёқни тўпиғидан юқорисигача яхшилаб беркитиб туради. Совуқдан ва турли нопокликлардан сақлайди.

Саҳобаларнинг кўпчилиги бу ишни қилганлар.

Аммо маҳсига масҳ тортиш ҳақидаги мазкур нотўғри фикр кўпчиликни адаштиргани ҳамда у тез-тез қайтадан пайдо бўлиб тургани учун, ҳадис ва фикҳ китобларида бу масала алоҳида бобда, айри эҳтимом билан баён қилинадиган бўлиб қолган.

Маҳсига масҳ тортишга рухсатдан мурод енгиллик яратишдир. Шу билан бирга, унинг яна сувни тежаш, вақтни тежаш, совуқдан ва нопокликдан сақланиш каби фойдалари ҳам бор.

Масҳ ҳақида келган ривоятлар мутавотир даражасига етай деб қолган. Қирқта ҳадисда масҳ тортиш борлиги айтилган. Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи: «Масҳ ҳақидаги ривоятлар қуёшдан ҳам равшан бўлгани учун мен бу ҳукмни олганман. Ким масҳни жоиз эмас, деса, унинг куфрга кетишидан қўрқаман», деганлар.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобидан